



"Hamkorbank" АТБ ташкил этилгандан буён тизимдаги молия муассасаларининг замонавийлиги, ходимлар ва мижозлар учун қулай шароит, соҳадаги янгиликларни амалиётга кенг татбиқ этиш ва бизнес режаларни бажаришга янги-ча ёндашув эътиборда. Бу масала доимий банк кенгаши ва бошқаруви назоратида эканлиги ижобий самара бермоқда. Банк кенгаши раиси Икромжон Ибрагимов айни шу йўналишдаги ишлар билан танишиш мақсадида Юксалиш ва Навоий филиалларида бўлди.

▶▶▶ 2-саҳифада ўқинг.



Бу сонга:

ЎҚУВЧИ ТАЪТИЛДА

дам олиши керакми ёки ўқиши?



Юқоридаги савол фарзандлари ёзги таътилга чиққан ота-оналарни ўйлан-тириши аниқ. Дам олиш ойларидан қандай фойдаланиш, болани нима билан банд қилиш мумкин? Бу борада оилалар қарори икки турли бўлади. Бир қисми ёзни соз ўтказиш, маъза қилиб хордиқ чиқаришни афзал билади ва "Таътил бекорга берилмайди", дейишса, ота-оналарнинг яна бир қисми болани бўш қолдирмаслик, фанлардан қўшимча дарслар, тўғараклар, чет тили тўғараклари билан банд қилишга киришади. Хўш, қай тарафнинг тутган йўли тўғри?

(Давоми 3-бетда)

ОАВда ИҚТИСОДИЙ МАВЗУ

3-бет.

5-бет.

"Нодирабегим"нинг Юлдузи



МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

6-бет.



ТАРВУЗ САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИ...МИ?

7-бет.

Танга тонди

TANGA TOPDI

8-бет.

КҮН ҲИҚМАТИ:

Вақтни "эссиз", "қанийди", "қош-кийди"лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа умр экан.

Нажмиддин Кубро.



2009 йилнинг декабрида филиалимиз 8 нафар ходим билан фаолиятини бошлаган. Жамоамиз кичик бўлса-да, ғайрат-шижоатли, малакали мутахассислардан иборат эди. Ишни навоийликларни банк хизматлари ва кредит маблағларида бўлган эҳтиёжларини ўрганишдан бошладик. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун банкимизнинг имкониятлари, ажратилаётган кредитлар, уларнинг шартлари, кредит ҳужжатлари ва гаров таъминоти тўғрисида тушунтиришлар олиб бордик. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истиғини билдирганларга намунавий лойиҳалар таклиф қилинди, кредит ҳужжатларини тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бердик ва қисқа муддатларда кредит маблағлари ажратиш чораларини амалга оширдик.

НАВОЙДА ҚЎШИМЧА БИНО ҚУРИЛАДИ

Астойдил қилган меҳнатларимиз ва раҳбарият томонидан берилган қўмак туфайли ҳозир 1 минг 200 га яқин тадбиркорлик субъектлари мижозимиз. Жамоамиз кенгайди, изланувчан, интилувчан, тажрибали 82 нафар ходим ҳозирда улар хизматида. "Қизилқумцемент" АЖ, "Heating radiators" ва "Ko UNG cylinder" каби ўнлаб йирик мижозларга эгамиз.

Яқинда банк кенгаши раиси И. Ибрагимов филиалимизга таширф буюрди. Жамоамиз билан учрашиб, самимий мулоқотда бўлди. Аини кунда филиал биноси бироз кичиклик қилаётгани боис илк режа эски бинони капитал таъмирлаш, ёнига қўшимча бино қуриш таклифини билдирди. Шунингдек, банк хизматлари офисларидаги шароитлар, яратилган қулайликлар билан танишди. Ушбу молия муассасаларини ҳам таъмирлаб, замонавий қиёфага киритиш зарурлигини айтди.

Ходимлар билан суҳбатлашиб, уларнинг қарашлари, бизнес режалари билан қизиқди. Бўлимлардаги режалар, олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Бошланғич касба уюшма фаолияти, ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида аҳамиятга эга эканлигини айтди.

Учрашув якунида банк соҳасидаги янгиликлар, ислохотлар, замон билан ҳамнафас молия муассасалари қандай бўлиши кераклиги ҳақида маслаҳатларини берди.

Умиджон АМОНОВ,
Навоий филиали бошқарувчи ўринбосари.



Туркия оммавий ахборот воситаларининг ёзишча, мамлакатнинг шимолий-шарқиди топилган Россиянинг "Орлан-10" учувчисиз бошқариладиган қурилмаси экспертиза учун Анкарага жўнатилган.

ТУРКИЯДА РОССИЯ ДРОНИ ТОПИЛДИ

"Кюртун туманидаги Тилкичек қишлоғи билан Казикбели текисликларида қўзиқорин қидиришга чиққан маҳаллий фуқаролар учувчисиз бошқариладиган қурилма қулаб тушиб, ерда ётганини кўрган. Ҳарбийлар етиб келгандан кейин улар қурилма 3 метрлик қанотга эга, жосуслик мақсадида

ишлатиладиган Россиянинг "Орлан-10" дрони намунаси эканини аниқлашди", - деб ёзмада Cumhuriyet нашри.

Нашрнинг ёзишча дрон "Украина ёки Суриядан сигнални йўқотгандан кейин ўзи мустақил равишда бу ерларга учиб келган ва ерга қулаган".

"Hamkorkbank" АТБ бугун замонавий ва сифатли хизматлари билан молия бозорига ўз ўрнига эга. Қайси бир вилоятга борманг, у ҳақида алоҳида эътибор билан гапирилади. Албатта бу 31 йиллик изланишлар, тажриба ва катта меҳнат натижасидир. Эндиги вазифа уни янада ривожлантириш, тизимдаги янгиликларни амалиётга жорий этиш ва нуфузини оширишдан иборат.

ОҚИЛОНА РЕЖА ЮКСАЛИШ КАЛИТИДИР

Бизнинг филиалимиз жамоаси ҳам ана шундай мақсад йўлида иш олиб бормоқда. Яқинда банк кенгаши раисининг филиалимизда бўлиб, фаолиятимиз билан танишиш иммамиздаги масъулиятни янада оширди.

Дастлаб Наманган филиали номи билан (2002 йил) фаолиятини бошлаган муассасамиз 2017 йилдан Юксалиш номи билан аталиб келяпти. Ҳозирда 4 минг 200 дан зиёд хўжалик юритувчи субъект ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар ва 20 мингдан ортиқ жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилмоқда.

Кенгаш раиси банк хизматлари офислари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш асносида ходимларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Норин, Учқўрғон, Чортоқ туманлари ҳамда Наманган шаҳрида жойлашган БХОларда бўлди, мижозлар учун яратилган қулайликларга эътибор қаратди, ходимлар билан суҳбатлашди. Ўз тажрибаларидан келиб чиқиб самарадорлигини ошириш бўйича тавсияларини берди. Долзарб масалалардан бири муаммолар, талаб қилинганга тўхталди.

Чорсу, Лола, Чортоқ, Учқўрғон, Норин БХОлари мижозларга яқиндан хизмат кўрсатяпти. Улар томонидан олинган фойда филиалнинг умумий фойда режасининг 25 фоизига тўғри келади. Корпоратив бизнес ҳамда чакана бизнес йўналиши, касса амалиётлари, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш билан жами 15 та банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

73 нафар касбига муносиб ходимлардан иборат жамоамиз аҳил. Улар асосан изланувчан, серғайрат, қувноқ ва жўшқин ёшлардир. Ҳар бири оқори малакага эга салоҳиятли мутахассислар. Мижозларимиз биздан молиявий қўмак олиб, иқтисодий ривожланишга, турмуш фаровонлигига эришмоқда.

"Namangan sement" масъулияти чекланган жамияти узоқ йиллик ҳамкорларимиздан, "Best stroy-2020", "Ifoda agro kimyo himoya" корхоналари ҳам бизнинг намунали хизматларимиз ва моддий қўмагимиздан мамнун. "Terry jar textile", "Barkas-tekst" МЧЖ юқоридаги ҳамкор корхоналаримиз каби йирик айланмалар, талаб қилиб олинганча миллий валю-

та ва чет эл валюта ҳисоб рақамларида йирик маблағ қолдиқларига эга бўлган ВІП мижозлар ҳисобланади.

Кун якунида ўтказилган учрашувда филиал бошқарувчиси Ж.Отавалиев юқоридагиларга тўхталди. Ўз ўрнида жорий йилнинг 5 ойлик якунлари, режа кўрсаткичларининг бажарилиши, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларга ходимлар эътиборини қаратди. Корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи К.Абдумажидов, тармоқларни мувофиқлаштириш ва мониторинг департаменти директори М.Ҳожиматовлар мижозларни жалб қилишда билим, ҳаракат ва фидойилик кераклигини айтдилар.

— Бугун ҳар соҳада рақобат кучайяпти. Авваламбор мижоз жалб қилиш услубини ўзгартириш, унинг янги-янги йўлларини топиш, буюртмачининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш лозим. Бу борада ҳар бир ходим ўз кўникма, тажриба ва истеъдодини ишга солиши керак. БХОлар фаолиятини янада жонлантириш, биноларини таъмирлаш ҳамда ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта ўқитиш банк ривожининг омиллари. — деди кенгаш раиси И. Ибрагимов.

Ўз ўрнида кенгаш раиси филиалимиз ташкил топганининг 20 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича таклифларини берди.

М. ШАРИПОВА,
Юксалиш филиали
ходимлар билан ишлаш
етакчи менежери.

ҚОЗОҒИСТОН ЎСИМЛИК ЁҒИ ЭКСПОРТИНИ ЧЕКЛАДИ

Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирининг 2022 йил 17 июндаги «Қозоғистон ҳудудидан айрим товарларни олиб чиқишнинг айрим мамалари тўғрисида»-ги буйруғи билан мамлакатдан кунгабоқар ёғини экспорт қилиш бўйича квоталар жорий этилган.

У 2022 йил 18 июндан 31 августгача амал қилади. Мазкур қарорга мувофиқ, кунгабоқар ёғини Қозоғистон ҳудудидан экспорт қилиш мамлакат Қишлоқ хўжалиги вазир-

лигининг агросаноат комплексида давлат назорати қўмитасининг ҳудудий бўлиналари томонидан берилган фитосанитария сертификати мавжуд бўлган

тақдирдагина амалга оширилади.

Илгари кунгабоқар ёғи экспортига киритилган чекловлар 2021 йил 15 декабрдан 2022 йил 1 июнгача амалда эди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАЙСИ ЖАМОА ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

Суперкомпьютер Қатарда ноябрь ойида бошланадиган жаҳон чемпионати натижаларини башорат қилди.

Ҳисоблаш алгоритми ҳақида хабар берилмаган, аммо якунда у қуйидаги натижани берди - амалда-

ги жаҳон чемпиони Франциянинг имкониятлари энг юқори, эҳтимоллик 17,9 фоиз.

Франциянинг финалдаги рақиби Бразилия бўлади. Финал турнирида учинчи ўрин Испания терма жамоасига, сўнгги ярим финалчи эса Англия терма жамоаси бўлади.



Матбуот, аниқроғи босма нашрларнинг жамиятда тугган ўрни қандай? Бугунги фаолияти талаб даражасидими? Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунги арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон ЎСАРОВ билан айтиш шу мавзуда суҳбатлашдик.



СЎЗГА МАСЪУЛИЯТ — УЛУҒ МАҚСАДИМИЗ

майдонида газета-ларга осон кечмаслигини англатади.

Босма даврий нашрларнинг электрон вариантларини интернет орқали эълон қилиш, ижтимоий тармоқларда фаол қатнашиш чораларини кўриш ҳам кутилган натижаларни бермапти. Кўпчилик нашрлар кадрларини ва техник базасини сақлаб қолиш учун муассисларнинг ёрдамига муҳтож. Босма оммавий ахборот воситалари ва муассислар ўртасидаги муносабатларда ҳам муаммолар мавжуд. Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаймиз.

ОАВ, даврий босма нашрлар унга мослашиши зарур. Бу масаланинг моҳиятини тушуниб етмаган нашрлар эса ҳамон давлатдан нажот кутмоқда. Таҳририятларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш мақсадида қўшимча даромад келтирувчи фаолият тури билан шуғулланиши, бунинг учун имтиёзли кредит ажратилиши, солиқ имтиёзлари берилиши зарур.

— **Яқин йилларга газета ва журналлар бир неча ўн минглаб нусхада чоп этиларди. Эндилекда...**

— Экспертларнинг фикрича, бугунги кунда кузатилаётган даврий босма нашрлар ададларининг кескин камайиши, обунани ташкил этиш борасидаги сусткашлик, газета ўқувчиларининг сони камлиги, таҳририятларнинг молиявий қийинчиликларга дуч келиши каби ҳолатлар маълум вақт оралиғида барҳам топади. Тез орада босма ОАВнинг инсоният тарихидаги ўрни, ҳужжат аҳамиятига молик жиҳатлари,

маънавий-маърифий функцияси қадрланиб, уларнинг мавқеи ортади. Чунки, газета, журнал дуч келган асосий ахборот-

ни чоп этаверадиган нашр эмас. Таҳририятларда, энг аввало, ўз ишини пухта биладиган профессионал журналистлар фаолият юритади. Улар ёзилган ҳар сўз ва ҳар бир ахборот учун масъулиятни, жавобгарликни ҳис қилиб ишлайди. Шу боис газета ва журналлар ҳаққоний ва ишончли, текширилган, асосланган хабар ва маълумотларни эълон қилади. Тилнинг адабий меъёрлари ва имло қоидаларига амал қилади, ахборот тарқатишга доир талаблар тўлиқ бажарилади ва журналистиканинг умумэтироф этилган халқаро ҳамда миллий стандартларига риоя этилади.

27
июнь

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Газета-журналга талаб доимо бўлган ва бундан кейин ҳам бўлиши аниқ!

— **Юртимиз журналистларига тилакларингиз?**

— Журналистларнинг ижодий изланиши, ёритилаётган мавзуга ўзига хос ёндашиши, жамиятда кечаётган ижобий янгиланишлар билан бирга мавжуд муаммоларни ҳам кўра билиши ва уларни ҳал этиш йўллари топиши, бир сўз билан айтганда, ўз касбига нисбатан фидойилиги эътирофга молик. Барча ижод заҳматкашларини байрам билан муборакбод этаман.

РС: Мақоланинг тўлиқ матни билан hamkorpress.uz сайтида танишунг.

Феруза ОРИПОВА
суҳбатлашди.



ОАВларда иқтисодий мавзуларнинг ёритилиши қандай? Тизимдаги ислохотлар жамоатчиликка етказиб бориляптими? Тошкент шаҳрида иқтисодий мавзуларни ёритувчи журналист ва блогерлар учун ташкил этилган семинар-тренинг олдига айтиш саволлар қўйилди.

ОАВДА ИҚТИСОДИЙ МАВЗУ

Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Ўзбекистондаги Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тренингда таъкидланганидек, бугун иқтисодий мавзунини ёритишга ўзгача ёндашиш лозим. Жамоатчиликка нахрларнинг ошиши ёки тушиши, солиқ бўйича имтиёзлар, банк тизимидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва маҳсулот таннархининг яратилиши ҳолислик асосида тушунириш зарур.

— Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётга бориб тақалади. Тренингни ташкил қилишдан асосий мақсадимиз ҳам шу. ОАВ ходимларининг иқтисодий билимларини ошириши ва ахборот-технологиялардан фойдаланиши материални статистика билан бойитиб, самардорлигини оширишда кўл келади, — дейди бизнес-журналистика бўйича тренер Анора Содиқова.

Семинар давомида таниқли бизнес-тренер, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Даврон Абдуваҳобов, медиа-тренерлар Хотам Абдураимов ва Нозима Тошпўлатоваларнинг мавзу юзасидан маърузалари тингланди. Амалий машғулотларда турли иловалар воситасида иқтисодиёт тармоқларидаги очик статистик маълумотлар ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлинди. Феик ва дата-маълумотлар, улар билан ишлаш борасида фикр алмашилди.

А. НАЗАРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таътил ўқувчи дам олиши, келаси ўқув йилига куч тўплаши учун жорий этилган. Аслида катталарга нисбатан кўлланиладиган "Яхши дам - меҳнатга ҳамдам" нақли болажонларга ҳам тааллуқли. Вақтида дам олган бола яхши ўзлаштиришга қодир бўлади. Аммо бу омилларни рад этмаган ҳолда аниқ айта оламизки, таълим олишда таътил ва танаффус йўқ! Зотан, таълим узвий жараён. Илм олиш тўхтатилса, аввал тўпланган билим захирасига ҳам путур етади. Ўйлаб кўринг, қўлига дипломини олган мутахассис изланишдан тўхтайдими? Ҳа, бўлиши мумкин, фақат оқибат кераксиз кадрга айланиши билан якунланади-да. Келажаги бор мутахассис эса бир ишининг бошини тутгандан кейин ҳам ўқиб, ўрганишда давом этади. Балки олдингидан ҳам кўпроқ илм тўплашга интилади. Ўқувчининг ҳолати ҳам худди шундай. Агар у таътилга чиққанидан севинган ҳолда ўқиш, ўрганиш, ўз устида ишлашга чек қўйса, келаси ўқув йилида фанларни ўзлаштиришга қийналади. Чунки, инсон онг ости шароитида давомидида маълумот қабул қилмаган миёга шундай ишлаш ёқиб қолади. "Бешик-

ЎҚУВЧИ ТАЪТИЛДА ДАМ ОЛИШИ КЕРАКМИ ЁКИ ЎҚИШИ?

дан қабргача илм изла", деган азалий таълимотни эсга олинг. Таътил мактабнинг талаб ва тартибларига амал қилиш бўйича ўқувчига берилган дамдир. Эътибор беринг: талаб ва тартибларга, асло таълимга эмас. Бу дегани - таътилда имтиёзга эга бўлган ўқувчи ҳар кунги эрта тонгдан уйғонмайди, форма киймайди, белгиланган соатларда дарсда ўтирмайди, уйга вазифани бажариб топширмайди. Балки таълимнинг иштиёрий, индивидуал, ўзига мослаштирилган шаклида илм олишни давом эттираверади. Масалан, тўга-

рақлар соат 11-00 да бошланиши, кечки пайт репетиторга қатнаши, дарсликлар эмас, бадиий китоб ўқиши мумкин. Спорт билан шуғулланиш, оромгоҳ, музей ва кўрғазмаларга бориш имкониятига эга.

Тан олиш керак, мактабларда баҳолар нисбий қўйилади. Ўқувчининг фақат билими эмас, интизом, давомати, ўзини тутиши, формасию муомаласи инобатга олинган ҳолда баҳоланади. Хўп, болангиз чиндан ҳам ҳамма фанларни яхши ўзлаштирар, билими кучлидир, бироқ, таътил-

да унга шу вақтгача нотаниш бўлган янги соҳалар, масалан, робототехника, ментал арифметика каби дарс жадвалидан ўрин олмаган фанларга жалб қилишингиз, қўшимча хорижий тилларни ўрганишга ундашингиз мумкин.

Болангизни ортқича аяманг, ачинманг. Билим даражасини текширинг, ўқилишни назорат қилинг. Таълими учун доимгидан кўра эътиборлироқ бўлинг, ўрни келганда сармоя қиритинг. Сиздан қоладиган энг бой мерос - илм. Ёшлар тани соғ, ақли бутун, хотираси кучли даврдан унумли фойдаланиб олсин.

Дурдона АЛИМОВА,
Тошкент.

Ҳазорасп туманидаги “Ҳазорасп нури жилоси” оилавий корхонаси бундан беш йил илгари ўз фаолиятини бошлаган. Дастлаб уч киши ишлаган корхонада бугунги кунга келиб 20 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Асосан “Темир дафтар”да турувчилар ишга олинган, яна касачилик асосида ишловчилар ҳам бор. Улар томонидан тайёрланган 20 дан ортиқ турдаги қишки ва ёзги кўрпа ва ёстиқлар доим хариддордир.



— Бозор талабидан келиб чиқиб фаолиятимизни янада кенгайтиришни истардик, — дейди корхона раҳбари Умарбек Курбонбоев. — Бироқ, моддий томондан имкониятимиз йўқ эди. 2019 йили “Hamkorbank” АТБнинг Ҳазорасп филиалига айлани шу масалада мувожаат қилдик. Адашмаган эканмиз, банк ходимлари бизни қўллаб-қувватлашини, лойиҳамизни ривожлантириш таклифи-

ни билдирдилар. Шу-шу ҳамкорлигимиз бошланди. Берилган кредит маблағи ҳисобига янги дастгоҳлар, хомашё сотиб олиб фаолиятимизни кенгайтирдик.

Кўрпа-ёстиқ буюмларини ишлаб чиқариш ҳар доим долзарб ва даромадли бўлиб келган. Бунга сабаб соғлом уйку барча учун муҳим бўлган ҳаётий эҳтиёж. Айниқса, ёш оилаларда бундай маҳсулотларга талаб катта. Ички бозор орқали қунига 200 донга сифатли, тайёр буюмлар эгаларига етказилмоқда. Даромад ҳам шунга яраша ўсиб борапти.

Мазкур корхона маҳсулотларининг нархи у қадар баланд эмас. Сабаби ҳамма иш замонавий компьютерлашган технологиялар орқали амалга оширилади. Қавиш машиналари юқори самарадорликка эга, тежамкор ва ишончли ускуналардир.

Лойиҳанинг навбатдаги босқичи яна 10 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу билан қўшимча иш ўринлари ҳам яратилди. Асосийси, даромад ошади. Буларнинг барчаси тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар самарасидир.

Назрулло ҲАМРАЕВ,
Бекзод МУТАЛЛИБОВ,
олган суратлар

Корхонамиз 2006 йилда ташкил қилинган. Дастлабки фаолиятини йўл қурилиши ишларини бажаришдан бошлаган. Кейинчалик юк автотранспортларида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Йилдан йилга ривожланиб, иқтисодимиз ҳам яхшиланди.

“АВИАСОЗЛИК” МОЛИЯВИЙ ДЎСТИМИЗГА АЙЛАНДИ

Сифатли хизматимиз билан аҳоли ишончини қозондик, ҳамкорларимиз кўпайди, замонавий техника ва дастгоҳларга эҳтиёж сезилди. Бироқ, уларни сотиб олиш учун корхонамиз маблағлари камлик қилди.

2008 йилдан буён молиявий кўмакчи сифатида “Hamkorbank” АТБнинг Авиясозлик филиали доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ундан ортиқ кредит лойиҳалар амалга оширилди. Олинган маблағлар ўз вақтида ёки муддатидан олдин сўндирилганлиги боис банкнинг ишончини қозондик. Техника воситаларимизни ҳам янгилادик. Биргина йўл қурилиши махсус техникаларини сотиб олингани боис ишлаб чиқариш ҳажми ортди.

2021 йилдан бошлаб асфальт қоришмаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу йили Туркия давлатидан асфальт ишлаб чиқариш ускунасини кредит асосида сотиб олдик. Ва йил охирига қадар 30 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг июнига қадар даромадимиз кўрсаткичи 13 млрд.сўмга етди. Қўшимча иш ўринлари яратилди. 10 нафар ишчи билан фаолиятини бошлаган жамоа сони 83 нафарга етди. Шухрат Салимов, Алишер Усмоновлар йўл қуриш усталари сифатида катта тажрибага эга бўлди. Чилангарлар Наримон Юлдашев, Азим Қосимов, оператор Миржалол Миржамолов, ҳайдовчилар Раҳмонали Эшов, Илҳом Турсунов, Эрлан Беркиновлар ҳам корхона ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келяпти.

Айни пайтгача 120 дан ортиқ буюртма шартномалари имзоланди. Ривожланиш омили меҳнат, изланиш бўлсада, иқтисодий дўстимиз бўлган Авиясозлик филиали ходимларидан миннатдормиз.

Маъмур ЖУМАБОВЕВ,

“Транс Осие қурилиш сервис” МЧЖ бош ҳисобчиси.

Бошинга не ташвиш келса, ўзингдан деб бил, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Олимжон Нурбеков (исм-фамилиялар ўзгаририлди) дори-дармон савдоси билан шуғулланувчи андижонлик Моҳира Қамбарова билан танишиб қолиб, чўнтагидаги нақд пулига ташвиш “сотиб олгани” рост. Бу бош оғриқдан қутулишига дори-уқоллар ёрдам берса, кошкийди.

Хуллас, Олимжонга Акмал деган бир қадрдони хизмат айтиб қолди: “Бир ҳамкасбимизнинг машинага эҳтиёжи тушиб қолди, ўзи аёл киши. Наманганга бориб келиш керак-да...”

Олимжон таклифга рози бўлди. Акмал ҳамкасби Моҳирани Олимжонга таништирди. Такси буюртмачилари қўшни вилоятга йўлга чиқишдан аввал шаҳардаги ўнга яқин дорихоналарга кириб чиқишди. Афтидан бирор манзилда ишлари битмаганлиги икковининг ҳам юз-кўзидан сезилиб турганди. Олимжон буни дарҳол илғаб савол-

га тутди: “Ўзи нима гап?”

— Қисқаси, насияга “Кюпен” деган дори қидириб юрибмиз. “Оптом” олсак арзон тушади, Наманганга олиб бориб сотишимиз керак. Харидор кутиб турибди. Қўлимизда эса нақд пул йўқ...

“БИР ҚУТИ ДОРИДАН МИЛЛИОН СЎМ ФОЙДА”...

— Бундан яхши фойда қоладими? — Олимжон астойдил қизиқиб сўради.

— Ҳа, катта пул қолади-да, — дея Моҳира уни аврашга ўтди. — Агар пулингизни шу ишга тиксангиз, бир қутисидан 1 миллион сўм фойда қилиб беришим мумкин.

Олимжоннинг қармоққа илинишига шу уч дақиқалик мулоқот етиб ортди. Эртасига уйдан 2 минг 850 АҚШ долларини олиб чиқиб, Моҳира айтган манзилдаги дорихона сотув-

чисига тутқазди. Эвазига сотувчи 720 донга қутидаги “Кюпен”ни Моҳирага етказиб берди.

Моҳира эса дорини улгуржи қўлга киритгач, Олимжоннинг кўзини шамғалат қилиб, бошқа машинага юклади-ю, Намангандаги танишларига пуллади. Пулини эса аввалги

ИНСОН, ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН



билан айбли деб топди ҳамда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Шу билан бирга, судланувчидан жабрланувчининг фойдасига 32 миллион 447 минг сўм ундириш тўғрисидаги тўхтамга келинди.

Жамиятда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар учраб турибди. Фирибгарлар тўзогога тушмаслик учун ҳар бир ишда етти ўлчаб, сўнгра тайинли қарорга келмоқ даркор. Йўқса, Олимжон каби нақд пулингизга ғалва орттириб, вақтингизни, саломатлигингизни, маблағингизни бой беришингиз ҳеч гап эмас.

Улуғбек КАРИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар судининг раиси.

1995 йилнинг майида “Андижонбанк” АТБ жамғарма бўлимида иш бошлаган Юлдузхон жамоа ҳаётига, қатъий интизом ва тартиб-қоидага асосланган фаолиятига тез киришиб кетди. 1997 йилнинг сентябрида банкнинг Нодирабегим филиалида иқтисодчи мутахассис вазифасида иш бошлаб, то ҳозирги кунга қадар, деярли чорак асрдан бери мазкур жойда самарали иш юритиб келяпти (Ҳа, дарвоқе: бу орада Андижон молия-иқтисодиёт коллежини банк иши мутахассислиги бўйича тамомлаб, малакали ходимлардан бирига айланди). Бугунги кунда у “Hamkorbank” АТБнинг ушбу филиалида касса амалиётлари бўлими кассири (универсал).



“НОДИРАБЕГИМ”НИНГ ЮЛДУЗИ

Ишхонасини иккинчи уйига, ҳаётига менгайдиган банкирлар менга ёқади, дея уларни доимо алқайдиган Ю.Абдурасулова фарзандларида шу соҳага меҳр уйғотди. Икки ўғли банк тизимида фаолият олиб бориб, эл-юрт ишига камарбаста бўлишадигани қувонарли.

Юлдузхон Абдурасулова умрининг мазмунли ўтиши, қолаверса, банк соҳасидаги масъулиятли ишини муваффақиятли давом эттиришида илмининг, китоб мутлоасининг ўрни катта, деб ҳисоблайди. Кишилик жамияти, ислом тарихига оид китоб-

ларни ўқишни ёқтиради. Нафақат миллий, балки, хориж классикларининг асарлари уни доим ром этади. Айниқса, Ф.Достоевскийнинг “Телба” романи сеvimлиларидан бири. Ушбу асарни қайта-қайта ўқиб, ҳар гал ўзига туганмас маънавий қувват олгандек бўлади.

Унинг фикрича, “Ҳаёт — бу тарбия” ва шу боис унга теран назар билан қарайди. “Ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ, — дейди у. — Келажакка интилиб, ҳаётга умид билан қарайдиганларни ёқтираман. Ҳар нарсадан норози бўладиган, “тирноқдан кир қидирадиган”ларни

хушламайман.

Устозлари ҳақида доимо фахрланиб гапирадиган, гоҳида ўзига “жамият учун нима қилдим?” дея савол беришни канда қилмайдиган Нодирабегим филиалининг фидойи ходимаси атрофдаги воқеликларга, шоирона ташбеҳ билан айтганда “дунёнинг ишлари”га бефарқ эмас. Доимо янгиликка, билганларини ҳаётига, иш фаолиятига татбиқ этишга, ён-веридигиларга етказишга интилади. Бундай инсонлар жамулжам бўлган жамоанинг эзгу мақсадлари ҳамиша рўёбга чиқиши шубҳасиз.

Ҳ. ТУРҒУНОВ.

ЯНГИ КИТОБ



СОҒИНГАН ҚАЛБЛАР ТАСКИНИ

“...Онам раҳматли болалиги уруш йилларига тўғри келганлигини кўп эсларди. Қорни тўйиб овқат емаганлигини, болалик гаштини суролмаганлигини, ўн-ўн тўрт ёшларида урушнинг аччиқ “мевалари”ни катталар билан тенгма-тенг баҳам кўрганликларини ҳикоя қиларди...” Ушбу сатрлар публицист-журналист Шукрулло Неъматовнинг “Орангизда онам бўлсайди” китобидан келтирилди. Муаллифнинг бой тарихга эга болалиги борки, унинг хотиралари қалам олишга чорлаган. Гарчи қийинчиликларга дуч келган бўлсада ота-она, яқинларининг меҳри унинг кемтикларини тўлдириб кетган. Уларнинг оиласида беш қиз, икки ўғил эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб улғайишди.

Отасини марҳаматликлар “Мадамин полвон” дейишида маъно бор. Кураги ерга тегмаган полвон, мард ва жасур киши сифатида Фарғона водийсида ҳурмат топган. Довруғи етти маҳаллага кетган пазанда ва қўли гул чевар Шарофхон ая гўзал табиатли, ширинсухан аёл эди. Шукрулло Неъматов ана шундай инсонларнинг фарзанди бўлиб меҳнатда тобланиб, чиникиди, самимийлик, сабр ва бардош, изланиш ва ирода мустаҳкамлигига эришди. Унинг ижодкорларга хос нозик қалбига ота-онасидек феъл-атвор, меҳр-муҳаббат жо бўлдики, ҳалқ дарди билан яшайдиган, эл қорига ярайдиган инсон сифатида журналист касбини танлади.

Муаллиф Худо юқтирган истеъдод туйғайли маънавият кишисига айланди. Бугун ўз сўзи, ўз қаламига эга ижодкор сифатида танилди. Гўзал тарбия, чексиз муҳаббати ота-онасига садоқати Ватан каби туйғулар билан уйғунлашди.

“Орангизда онам бўлсайди” китоби Тошкентда “Firdavs-Shoh” нашриёти томонидан чоп этилди. Китобдан муаллифнинг турли йилларда жамланган ҳаётий қарашлари, руҳий кечинмалари ва кузатишлари асносида тутилган мақола ва очерклар ўрин олган. Оддий, содда, бироқ, жуда ширали ёзилган китоб ҳар бир инсоннинг юрагидан ўрин олиши аниқ. Яхшиис, китобни қўлингизга олиб ўқиганингиз маъқул. Яқинларига интилиш ҳисси ва ота-онасини соғинган қалблар бироз бўлсада таскин топиши шубҳасиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Банк ходимлари ҳақида гап борганда аксарият ҳолларда кўз олдимизда жиддий ва ҳар сония вақти ҳисобли инсонлар гавдаланади. Улар орасида шундайлар ҳам борки, ишдан ташқари вақтларда ўз ўрнини жамоатчилик орасида деб билади, давраларга сўзамоллиги билан файз киритади, ҳатто санъатга ошно ҳаваскор қўшиқчилари ҳам бор.

Шу маънода Хоразм минтақавий филиали ходимлари билан қизиқанимизда, чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери Элдорбек Раҳмоновга “бизни футболчимиз, ишни ҳам, дам олишни ҳам жойига қўяди”, дея баҳо беришди. Айтганларича бор экан. Элдор биз билан футбол майдонида учрашишни айтди. Хурсанд бўлдим. Филиал раҳбари Азамат Отажонов у ҳақида шундай деди:

— Ёш бўлсада тажрибали ходимларимиздан. Масъулиятни ҳамма вақт биринчи ўринга қўяди. Чакана бизнес бўлимига қўйилган режаларни бажарилишида унинг ҳиссаси катта. Айниқса, миҳозлар билан ишлашда ўзига хос йўл тутди. Бир сўз билан айтганда, ўз касбига муносиб ходим.

Элдор филиал яқинидаги футбол майдонида машқни бошлаб юборибди. Ҳаракатлари чаққон, техникаси ҳам

ўзига хос. Сездикки, кўп вақтини шу жойда тўп билан ўтказди. Дам олиш баробарида ўз саломатлиги учун курашади. Айниқса, ишдан толиққан вақтлари тўғри майдонга келади. Оқшомда ўзи каби ҳаваскор футболчилар билан тўп суришни канда қилмайди.

— Миллионлар ўйинига болаликдан қизиқаман. Талабалик йилларим Урганч давлат университетининг футбол жамо-

ЭЛДОР ДОИМ МАЙДОНДА

аси аъзоси эдим. Бир қатор мусобақаларда чиройли ўйин кўрсатиб тақдирландим. Мақтансам майлими? (қулади). Ҳозир ҳам Урганч футболда ўз ўрним бор. Агар шу йўналишда кетганимда камидатерма жамоада бўлардим. Футболчининг омади кучли жамоада тўп суришда, деб биламан. Агар сиз



футбол ўйнаган ёки унга яқин одам бўсангиз, қанча кучли жамоалар билан ўйин кўп бўлса, шунда ўсиш бўлишини яхши биласиз.

Элдор спорт соҳасида ҳамкасбларига мураббий. Айниқса, жаҳон чемпионати мусобақалари ҳақидаги суҳбатлар унинг иштирокисиз ўтмайди. Севган жамоаси ғалаба қозонган куни тушиқда

меҳмон қилишни ҳам унутмайди. Шу сабаб ҳамкасблари уни “Ўзимизнинг Элдор Шомуродов” дея фахрланадилар.

Элдор сузиш, бокс ва балиқ овлашга ҳам қизиқади. Ҳаётдаги шиори ҳаммаси яхши ёки яхшиликка. Ўзи ҳам бунга амал қилади, доим атрофдагиларга яхшилик улашади.

Акбаржон НАЗАРОВ.

ОНАСИНИ “БАХТГА” АЛМАШТИРГАН ЎФИЛ

Фозилжон ака ўқитувчи бўлгани боис қишлоқнинг обрўли кишиси. Тўй-маъракаларда устоз сифатида ҳурматланиб тўрига ўтказиларди. Унга уч қиздан кейин анча вақт ўтиб Аллоҳ ўғил ато этди, орзулари ушладиган бўлди. “Тобутимизни кўтарувчимиз бор, энди, онаси” дея дилбандини пўпалаб катта қилишди. Қизларининг уччаласи ҳам ўқишга қизиқди, касб-корли, ҳунарли бўлишди. Айниқса, кенжасининг таҳсили бироз чўзилди. Шифокор бўлиши учун ота-онасидан кўмак олиб турди. Уни яқинда узатишган.

(Бўлган воқеа)



Бахтли оиланинг хонадони яна тўй оstonасида. Ота “эркатой”ини 20 ситаёқ уйлашни ният қилиб юрарди. Бироқ, йигит 20 сини кутмади - 19 ёшга кирибдию бир қизни севиб қолибди. Ҳали бирор ишнинг бошини тутмай ёки бирор жойда ўқимай рўзгор қиламан, дейди бола тушмағур.

— Қиз чиқарганга қирқ йил тегма, деб эскилар билиб айтишган экан, — деди Фозилжон ака аёлига. — Унаштириб қўйди, энди тўйни қандай ўтказамиз?!

Маҳфуза опа эрининг нима демокчилигини тушунди:

— Жигарларимиз бор, қараб туришмас. Оз-оздан йиғилса, тўйни ўтказиб олармиз, дадаси.

Қариндошлар йиғилди-ю “маслаҳат оши” пишмади. Вазиятдан хабардор ака-укаларнинг қутилмаган жавобидан гангиб қолишди.

— Йўқ, қизикда, пулилар бўлмаса, нимага, кимга ишониб тўй ўтказмоқчилар? — деди Маҳфуза опанинг катта укаси кесатиқ ва

жаҳл аралаш. — Шарт эмас, айнан шу йил келин олишинлар, яқинда тўйдан чиқдинлар. Қарзинлар ҳам тугамаган бўлса керак, адашмасам.

Кичик укага гал келганда у ҳам аяб ўтирмади:

— Қизингизнинг тўйига ҳам каттагина тўёна қилдик, опа. Мен ҳали бирорта боламни уйлаб-жойламаган бўлсам...

Опанинг юрагига оғриқ кирди, аммо ҳеч кимга сездирмади. Укалари ҳақ — бу борада уйлаб кўрмабди, афсус. Шу дамда Фозилжон ака ўзидан нафратланиб кетди. Ёлғизлигини, еган оғиз уялишини яна бир бор ҳис қилди, “маслаҳатчи”ларга бирор сўз деёлмади-ю улар кетгач, аламини хотинидан олди:

— Жигарим, жигарим дейсан, ана жигарларинг. Укаларинг учун жонингни жабборга берардинг. Тўй-маъракалари борми доим хизматдасан, мана кўриб қўй!

— Уларниям тушуниш керакда, иккаласиям болаларини ўқитишпти...

Маҳфуза опа бундан ортиқ гапи-

ролмади. Қудалариникига йўл олди. “Тўйни бироз кечиктирсак бўлармикин” дея аёл қуда билан секин гаплашиб келмоқчи бўлди.

— Ўзи тенгимиз эмасдинлару қизим “шундан бошқага тегмайман”, деб туриб олгани учун рози бўлгандик, — деди аёл қуда. — Энди вақтни чўзиб юрсак, одамлар нима дейди?! Керак бўлса, қарз олиб ўтказасизлар...


Умидлари пучга чиқди. Ноилож қолган аёлнинг юраги шу тарзда иккинчи зарбани кўтаришга ҳам дош берди. Опанинг билмади. Ўзи ишлайдиган корхонадан қўшимча иш олди. Кечалари либослар тикди. Бўш вақти бўлди дегунча қўшни қишлоқлар оралаб қатиқ-сут, мева-чевалар олиб шаҳарга бориб сотди, пул топди. Фозилжон аканинг икки ойлик маоши қўшилди, шунда ҳам тўйга камлик қилди- қарз кўтарилди. Қозикдаги битта соғин сигир ҳам кетди.

Тўй ўтди. Келин-куёвнинг “қилиғи” ота-онанинг энсасини қотирди. Тўй саёҳатига кетамиз, деб туриб олишди. Ёшларнинг орзуларини амалга оширди бояқиш муштипарлар. Аммо қалбларини қарздорлик руҳи азобларди. Тўй тарадуду билан толиққан онанинг жисму жони азобларди. Доимгидек яна ҳамма иш ўзига қолди.

— Бир ҳафталик азобим қолди, дадаси, — деди у бир кун эрига. — Болаларим келгач, оёғимни узатиб ўтираман.

“Тез ёрдам” машинаси аёлни касалхонага олиб кетаётганда келин-куёв “асал ойи”дан қайтишди. Улар оналарини сўнги бор кўриб туришарди. Бечора она ниятига етди-касалхонада оёғини узатди-уйига қайтмади...

НИЛУФАР ИБРОҲИМЖОН
қизи.



ОШНОЛИК ҲАҚИ

Бир киши бировнинг уйини ижарага олиб, бир неча вақт ўша ерда яшади. Кунлардан бир кун у киши ўзи яшаган шаҳардан чиқиб бошқа бир вилоятга борди. У вилоят ҳукмдорига манзур бўлиб вазирлик мансабига эга бўлди.

Уй эгаси уйда ижарага ўтирган кишининг вазир бўлганини билиб, ёрдам олиш умиди билан вазир турган вилоятга кетди. Вазирнинг маҳкамасига келиб, ичкари киришни истаган эди, эшик ёнида турган хизматчи қоровул кўрслик қилиб ундан:

— Сен қандай кишисан? Ҳеч кимга илтифот қилмай вазир ҳузурига киришни истайсан? — деб койиди. Уй эгаси айтди:

— Мен вазирнинг ошнасидирман, шунинг учун шундай сурбетликка қадам қўйдим.

— Вазир билан қандай ошнолигинг бор? — деб сўради қоровул.

Уй эгаси:

— Эгаси бир вақт менинг уйимда ижарага ўтирган эди, энди ундан ёрдам сўраб келдим. Шояд у мени муҳтожлик тубанигидан иззат ва ҳурмат баландлигига кўтарса, — деди.

Қоровул уй эгасининг сўзларини эшитгач, хохлаб қулиб айтди:

— Эй бечора одам, нодон киши экансан, уйимда ижарага ўтиргани учун вазирда ҳақим бор, деб бўлмағур нарсани баҳона қилибсан, бор уйингга қайт, таъмағир бўлиб юрма.

Вазир ўз идорасида буларнинг сўзларини эшитиб турган эди. Дарҳол қоровулни чақириб воқеани сўради. Қоровул табассум қилиб:

— Бир киши келиб: “Мен вазирнинг ошнасиман, у бир неча вақт уйимда ижарага ўтирганди. Энди ошнолик ҳақини талаб қилиб ёрдам олиш учун келдим”, деди. Мен уни ҳузуригизга киргизмай маломат қилиб жўнатиб юбордим, — деди. Вазир қоровулнинг уй эгасига қилган муомаласидан қайғуриб унга:

— Ёмон муомала қилиб, бечоранинг кўнглини бузгансан, дарҳол уни қидириб, топиб келтир, — дея буюрди.

Қоровул уй эгасини қидириб, топиб, вазир ҳузурига келтирди. Вазир уй эгасига кўп меҳрибонлик кўрсатди. Ҳол-аҳволини сўради. Бир неча кун ёнида олиб қилиб иззат-ҳурматини бажо келтирди, уни молу дунёдан сарбаланд қилди, хотин, болачақалари учун ҳам тухфалар берди, келиб туришини ўтириб, иззат-икром билан уни ўз ватанига жўнатди. Шундай қилиб, уй эгаси севина-севина уйига қайтиб келди. Ошнолик ҳақиға рия қилиш мана шундай бўлади.

А.КАБИРОВ,
тайёрлади.

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Альберт Эйнштейн “Нисбийлик назарияси”ни яратгач, дунёга машҳур бўлиб кетади. Олимни халқро анжуманларга, университетларга маъруза ўқиш учун таклиф этишади. Ҳар кун янги назария бўйича маъруза ўқилади. Бир кун олимнинг ҳайдовчиси шундай дейди:

— Жаноб, шу қадар кўп маъруза ўқияпсизки, шу назариянгиз ҳатто

менга ҳам ёд бўлиб кетди. — Унда кейинги гал маърузани ўзинг ўқийсан! — дейди олим.

Дарҳақиқат, ҳайдовчи университетда маърузани қойил қилиб ўқийди. Минбардан тушаётганда тингловчилардан бири ногоҳ унга савол бериб қолади. Шунда ҳайдовчи ўзини йўқотмайди, топқирлик қилади:

— Саволингизнинг жавоби шу қадар оддийки, буни ҳатто ҳайдовчим

ҳам билади, — дея Эйнштейнни кўрсатади.

Машҳур адиб Марк Твен оқшомда уйига қайтаётган эди. Пасткам бир жойда номаълум киши уни тўхтатиб, кўксига тўппонча қадайдди:

— Соатни чиқар!

Ёзувчи қароқчиға синчиклаб тикилади:

— Соатни ўтган ҳафта олгансиз!

— Кечирасиз, — дейди қароқчи, — бу орада

янгисини олган бўлсангиз керак деб ўйловдим.

Машҳур француз адиби Виктор Гюго янги романи қандай сотилаётганини билиш мақсадида ноширларга фақат сўроқ белгисидан иборат мактуб юборади. Жавоб хатини ўқиган адиб ноширларнинг топқирлигига қойил қолади. Бир саҳифалик мактубда каттагина ундов белгиси бор эди.

А.КАБИРОВ,
тайёрлади.

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

ЖАВОБИ ЙЎҚ САВОЛ

Ҳадиси шарифда “Аёлларда эрининг ҳаққи кўпдир. Эрларда эса оналарининг ҳаққи кўпдир”, дейилади. Унда нега аёллар Пайғамбарнинг

гапига кирмай, эркакларни бутунлай эгаллаб олишадилар?

Билмадим... Аммо, ҳозиргача шу саволга жавоб топган одамни ҳам кўрмадим...

АЙБ МЕНДАМИ?

Ёзганларимни ўқигандан сўнг яқинда бир дўстим савол берди:

— Нега сиз шунақасиз?

— Қанақа?

— Биз билмаган нима-ларнидир топиб ёзасиз-да! Мен эса қулиб, жавоб бердим:

— Оллоҳ шундай қилиб қўйган бўлса, нима қилай?..

ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙЛИК

Кимлардир мен эришган ютуқ ва мартабаларга ҳасад қилишади. Мен эса уларга қарата, кўрқмай шундай дейман:

— Аллоҳ берган нарсани сен ола биласанми? Қўлингдан келса, олавер! Ундан кўра, ҳавас қил, балки, сенга ҳам берар...

Кейин яна айтдим:

— Мен ҳасад қилмаганим учунгина эришдим уларга... Чунки, шиорим шу эди: “Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшайлик...”

ҚЎЛИМИЗДАН КЕЛМАЙДИГАН ИШ

Ҳамманинг дўстлари ва душманлари бор. Дўст бир кун ўз айбимиз ила душманга айланиши мумкин. Лекин душманни дўстга айлантириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ё сизнинг қўлингиздан келадики?..

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

Ёзининг иссиқ кунларида тарвуз истеъмол қилиш инсон организми учун кони фойда. Аммо бу маҳсулотни етиштиришда азотли ўғитлардан кўп фойдаланилган бўлса, саломатликка зарар етказиши ҳеч гап эмас. Ҳўш, дориланган тарвуз нимаси билан хавфли? Ундан заҳарланганда қандай йўл тутиш лозим?

ТАРВУЗ САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИ...МИ?

Тарвуз — саломатлик учун энг фойдали маҳсулотлардан бири. Улкамизда асосан июль-август ойларида фарқ пишиб етилади. Маҳсулот таркиби А, С, Е витамини, В гуруҳи дармондорилари, магний, калий, кальций, фосфор, темир ва натрий моддаларига бой бўлиб, пешоб ва сафро ҳайдовчи таъсирга эга.

Унинг шарбати буйрак ва жигарни зарарли токсинлардан тозалаш, холестерин миқдорини камайтиради. Айниқса, тарвуз онкологик касалликларнинг олдини олиш, ҳазм фаолиятини яхшилаш ва моддалар алмашинувиға ижобий таъсир кўрсатади.

Бироқ, тарвуз истеъмол қилишда эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиш керак. Боиси бугун баъзи дехқонлар ушбу маҳсулотни етиштиришда азотли ўғитлардан керагидан ортиқ фойдаланаётганидан кўз юмиш қийин. Бу инсонларнинг заҳарланишига сабаб бўлиши мумкин.



Шу ўринда савол туғилади: заҳарланиш симптомлари қандай намоён бўлади? Агар кимдир таркибидан нитрат моддаси меъёрдан ортиқ бўлган тарвуз истеъмол қилса, унинг нохуш белгилари 4-6 соатдан кейин пайдо бўлади. Кўнгил айниши, қусиш, диарея, қорин ва бош оғриғи, 38-39 даражагача иситма кўтариллиши, бош айланиши, юрак уришининг секинлашиши, қўл-оёқларнинг совуқ қотиши ва бошқа белгилар кузатилиши мумкин.

Заҳарланиш белгилари намоён

бўлганда, дарҳол шифокор билан маслаҳатлашиш ва мутахассис тавсиялари асосида даволашни зарур. Айниқса, кекса ёшли инсон, ҳомиладор аёл ёки 12 ёшгача бўлган бола заҳарланганда, "Тез ёрдам" қақриш мақсадга мувофиқ.

Бу нохуш ҳолатдан сақланиш учун аввало, тарвуз харид қилишда сотувчидан тегишли рухсатномани талаб қилиши керак. Унда маҳсулот манбаи, шунингдек, сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи зарур маълумотлар ўрин олган бўлади.

Тарвуз танлаётганда, унинг сифати бузилмаганига ишонч ҳосил қилинг. Шикастланмаган, ёриқларсиз, кесилганда эса ранги тоза қизил ва ўзгармаган бўлиши керак. Тановул қилишдан аввал яхшилаб ювиш лозим.

Шунингдек, совутилган ҳолда ейиш ҳамда истеъмол қилишда бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан аралаштирмаслик, яъни таом қабул қилиш кетма-кетлигига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Ёзининг бу неъматини доим дастурхонингизни безасин.

Анвар ШУКУРОВ,

Санитария-эпидемиологик оқошхоналик ва жамоат саломатлиги хизмати санитария-гигиена бошқармаси бошлиғи.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

Ёзда мева-чева ва поллиз экинлари етилиб, улардан истеъмол қилганда ошқозонда совуқлик пайдо бўлиб, кўнгил айниши ёки заҳарланиш юз бериши мумкин. Абу Али Ибн Сино бунинг энг яхши давоси занжабил экани ҳақида ёзган.

("Маҳзан ул-адвия" китобидан)

ЗАНЖАБИЛНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

(Русча - имбирь)

МИЖОЗИ

Занжабилда қандай, сўрасанг, мижоз, Сенда бўлса агар бу бобда ниёз. Янгисининг иссиқ бўлар мижози, Қуруқлик ҳам унга ёр бўлар бироз.

ХОТИРА ВА ҲАЗМ ҚУВВАТИ

Хотирага қувват берар занжабил, Ҳазм қувватини қилади дадил. Ошқозону меъда куч топар ундан, Жигар билан яна бўлади аҳил.

ЖИГАР ТИҚИЛМАСИ

Жигар ичра бўлса тиқилма очар, Жинсий қувват учун қувватни сочар. Қуюқ еллар бўлса меъда ичакда, Ёки балғам бўлса, ейилса, қочар.

БАЛҒАМНИ ЙЎҚОТИШ

Меъданинг сатҳига ёпишса балғам, Ичак ёки бошқа жойда бўлса ҳам. Барини парчалаб ташлар занжабил, Қуритар, қирқади, беради барҳам.

МИЯ РУТУБАТИ (НАМЛИГИ)

Миядан рутубат олган бўлса жой, Ёки томоқ бўлса бу нарсига бой. Пайларга ўрнаган бўлса совуқлик, Барини қувади, бахш этар чирой.

КЎЗ ОҚИ ВА ШАМОЛЛАШИ

Занжабил сурмадек суртилса кўзга, Кўз оқи кетади, амал қил сўзга. Шамоллаш ҳам бўлса агар кўзингда, Шамоллаши кетиб, бўлади ўзга.

ЗАРАРГА ҚАРШИ

Ҳар ким занжабилдан еганда кўпроқ, Ундан зарар кўрар баъзида томоқ. Ислоҳига агар асалдан есанг, Бодом ёки ичанг, наф қилар бироқ.

Назмга солувчи
Маҳмуд ҲАСАНИЙ.

САЙЁРАМИЗНИНГ МАНТИҚҚА ЗИД АЖОЙИБОТЛАРИ

Сайёрамыз тарихи сиру синоатларга тўла. Жумбоқларни ечишга эса бутун умримиз ҳам етмайди. Мана, улардан айримлари:

САКСАЙУАМАН ИБОДАТХОНАЛАР МАЖМУИ (ПЕРУ)

Мазкур ибодатхоналар комплекси бир томчи ҳам бириктирувчи қоришма ишлатилмасдан бенуқсон қурилганлиги билан инсонларни ҳайратга солади. Баъзи тошлар орасидан ҳатто юпқа қоғозни ҳам ўтказиб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳар бир блокнинг сирти моҳирона ишланган.

ҚУЁШ ДАРВОЗАСИ (БОЛИВИЯ)

Қуёш дарвозаси қадимий ва эртақнамо шаҳар Тиуанакада жойлашган. Эрамызининг биринчи минг йиллигида у катта империянинг маркази бўлган. Ер юзиде одам илк бор худди мана шу ерда пайдо бўлган бўлиши мумкин. Ҳалигача дарвозадаги расмларнинг нимани англатиши тўғрисида аниқ тасаввурлар мавжуд эмас. Балки улар қандайдир астрологик ва астрономик кимматга эгадирлар.



СУВОСТИ ШАҲРИ (ЙОНАГУНИ, ЯПОНИЯ)

Комплексни дайвинг бўйича инструктор Кихачиро Аратаке тасодифан топган. Ушбу сувости шаҳри барча илмий назарияларни рад қилади. У қурилган қоя бундан камида 10 000 йил, демак, Миср пирамидалари қурилишдан анча олдин сув остига кетган. Замонавий тасаввурларга кўра, уша пайтлари инсонлар тош шаҳарлар қуришни ҳаёлига ҳам келтиришмаган. Улар жонларини сақлаш учун ғорларда яшаб, ейиш мумкин бўлган илдишлар билан озиқланишган.

МОХЕНЖО-ДАРО. "МУРДАЛАР ТЕПАЛИГИ" (ҲИНДИСТОН)

Мазкур шаҳарнинг йўқ бўлиб кетиши бир неча ўн йилликлардан бери археологларни ташвишга солиб келмоқда. 1922 йили Ҳинд археолог Р. Банар-жи Ҳинд дарёсининг оролларида бирида қадимий вайроналарни топди. Мана шунда бир қанча саволлар туғилди: бу катта шаҳар қандай қилиб вайрон қилинган, унда яшовчилар қаерга йўқолиб қолишган? Изланишлар, топилмалар бу жумбоқларнинг жавобини ҳалигача топгани йўқ.



А. ТОЖИДИНОВ.

САДОҚАТДА ТЕНГСИЗ ЖОНИВОР

* Отлар ажодди сифатида фанда "Барилъбду" деган жонивор тилга олинади. Бўйи икки метрли бу улкан жонивор ўн миллион йиллар олдин яшаган. У факат ўсимликлар билан озиқланган.

* Отларни биринчи бўлиб марказий осийликлар эрамыздан беш минг йил олдин кўлга ўргатган.

* От қорда ҳам, ёмғир, тўфонда, зулматда ҳам ўзи

яшайдиган манзилни бехато топиб бора олади.

* У қизил ва кўк рангли бир-биридан ажрата олмайди.

* От одамга дўст тутинишда ва садоқатда тенгсиз жонивордир. Масалан, Александр Македонский ўзининг "Бусефалу" лақабли отидан тўққизта ҳаёт қарз бўлган. Яъни, оти уни тўққиз марта ўлимдан сақлаб қолган. Кунларнинг бирида от



ҳалок бўлгач, ўша ерда бутун бошли шаҳар бунёд эттирган. Шаҳарни отининг ёрқин хотирасига "Бусефалу" деб номлаган.

* От интеллект жиҳатидан ҳам бошқа жониворларни

ортда қолдиради. Масалан, Чингизхон кўмондонларидан бири навбатдаги босқинга кетишдан олдин отига режаларини тўкиб солган. От унинг режаларини тўлдирган ҳолда жангда тўғри тактика танлаш қандай бўлишини амалда кўрсатиб берган.

* Отнинг кўзлари 360 даражали радиусга эга. Шунинг эъзига от бурилмай туриб орқадаги ҳодисалар ва хавфни кўра олади.

* От совитиш деган гап бор. Бу бекорга эмас. Отни совитган маҳалингиз жонивор ўзи-

ОТЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

га янги куч йиғади. Бундан ташқари, кайфияти кўтариллади.

* Агар филдек улкан жонивор сичқондан кўрқса, отларнинг ҳам бу масалада заиф жиҳати йўқ эмас. Улар асаларидан кўрқшади. От 30-40 маротаба асалари қақиши туфайли ўлим топади.

* Янги туғилган тойчоқ кулун, 2 ёшлиги той, 3 ёшидагиси ғўнон ва 4 ёшлиси дўнон деб номланади.

Олимжон ҲАЙИТ
тайёрлади.

Чотқол тоғлари ёнбағрида жойлашган Танга топди қишлоғи ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Фарғона водийсини Тошкент билан боғловчи Қамчиқ доводидан ўтган йўловчи борки, бу масканда бир зум тўхташи аниқ. Сабаби жуда баҳаво, табиати гўзал. Бир қарашда моҳир рассом томонидан чизилган санъат асари дейсиз.

Танга топди

Қишлоқнинг ҳаёти ўзгача. Одамлари меҳр-оқибатли, аҳил, меҳнатсевар. Бир майизни қирқ киши бўлиб ейди, деган таъриф уларга нисбатан айtilган бўлса ажаб эмас. Оилаларнинг асосий даромади қорвачилиқдан келади. Айниқса, бу ерлик хотин-қизлар тайёрлаган куртобларнинг мазаси оғзингизда қолади.

Қай бир хонадонга кирманг булоқ суви оқиб ётибди. Мирзам булоқдан оқиб тушаётган бу сув қишда илиқ, ёзда совуқ, ичиб тўймайди киши.



Суратчи
мухбиримиз
Бекзод
МУТАЛЛИБОВ
туризм ҳудуд
ҳисобланган
мазкур қишлоқда
бўлиб, унинг
ҳаётидан
суратлар олиб
қайтди.



Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё қирғоғида юксалиб турган тепалик кўпчилик меҳмонларнинг эътиборини тортади. Тупроқ қалъа қолдиқлари узра сочилиб ётган сопол идишларнинг синиқлари, у ер, бу ерда қадимшунослар томонидан очилган шаҳар деворларининг қолдиқлари, ичимлик суви йўллари, қудуқ олис мезийдан садо беради.

Тарихий маълумотларга қараганда, Ахсикат шаҳри милоддан аввалги III – II асрларда вужудга келган, IX-X асрларда Фарғона водийсининг пойтахти бўлган. 1219 йил мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган. “Бобурнома”да Ахсикент ҳақида шундай тавсиф берилади: “... Фарғонада Андижондин сўнгра мундин улўғроқ қасаба йўқтур... Умаршайх Мирзо муни пойтахт қилиб эди...”.

Ўз замонасида берилган мана шу икки жумла таърифнинг ўзида Ахсикент ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутадиган маконлардан бири эканлиги маълум бўлади. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий-

нинг “Зафарнома” (XIV аср) асарида ёзилишича, Хусрав I Анушервон (532-579) Фарғонани бино қилиб, бу ерда ҳар бир хонадондан биттадан кишини кўчирган, ўша кишилардан бирининг исми Ахзи бўлиб, у барпо этилган жой унинг номи билан атала бошлаган.

Ахсикент ёши жиҳатдан “Афросиёбга тенгдош шаҳар эканлиги” маълум бўлган, “Фарғона Афросиёби” номи олиган. Ҳозирда антик Ахсикентнинг катта қисми экинзор қилиб ўзлаштириб юборилган, уй-жой қурилган, қабристон қилинган, тупроғи қурилиш ашёси сифати-

да (сариқ тупроқ) ташиб кетилган. Шаҳристоннинг жанубий-шарқий қисмида олиб борилган қазилар натижасида у ердан нақшли, тўртбурчак “Давань тип”га мансуб сопол буюмлар топилиган. X-XII асрларга мансуб ҳаммом қолдиқлари ўша давр меъмори-



Ахсикент

ларининг ниҳоятда юксак дидли ва ўз ишининг моҳир устаси эканликларини кўрсатади.

1220 йилда мўғуллар томонидан Ахсикент шаҳристонини босиб олингач, вайрон қилинган, ёндирилиб, култепага айлантирилган. Ана шу тарихи “Эски Ахси” харобазорга айланган. XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб омон қолган халқ кўпайиб, кичикроқ шаҳар

барпо этилган. Шаҳарча халқ орасида “Янги Ахси” деб юритилган.

Ахсикент дарё ёқасидаги тепалик устида атрофи жарликлардан иборат қулай бўлган майдонга жойлашган. Шу боис, кўрғон атрофини қалин мудофаа деворлари билан ўраб олиш шарт бўлмаган. Аҳоли яшайди-

шаҳристонда эса шаҳар аҳолиси, турли маъмурий бинолар, масжид ва мадрасалар бўлган. Работ қисми эса шаҳардан четда жойлашган бўлиб, у ерда асосан карвонсаройлар ва бозорлар фаолият кўрсатган.

Бугун қадимги шаҳар харобалари ёнида жойлашган Шаҳанд қишлоғида тарихий ёдгорликдан топилиган буюмлар, шаҳарнинг бой тарихини сўзлаб берувчи манбалар сақланаётган музей очилган. Унда сақланаётган XIV-XVII асрларга оид сопол идишлар, коса, тақсимча, қора чироқ, сопол қозон, ўша давр ҳокимлари номи билан зарб қилинган танга пуллар, зийнат буюмлари, кўзалар, ханжар, қилич, темирчилик асбоблари бир пайтлар бу ерда ҳаёт қайнаганидан далолат беради.

Қадимий Ахсикент ёдгорлиги ЮНЕСКО бутунжаҳон маданий мероси объекти ҳисобланади.

Н. ҚОСИМОВА.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" таҳририяти компьютерида терилди ва сақланган.
Нашр учун масъул:
Н. ЙУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. ҚАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-649 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.